МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ШАНБА

2014 йил 23 август,
№70 (1037)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# «Ўзбекистон қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида


Базаров Абдимурат


Маматкулов Шукуржон


Низамходжаев Зайниддин Махаматович

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

**Базаров Абдимурат** — Қамаши туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Маматкулов Шукуржон** — Олтинкўл иқтисодиёт коллежи директори, Андижон вилояти

**Низамходжаев Зайниддин Махаматович** — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бўлим мудири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 август

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёркин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

### «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

**Султонов Нормўмин Намозович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Ўтбосаров Абдумўмин Абдумажитович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали диктори

**Холиқова Муқаддас Шомақсудовна** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

### «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

**Чоршанбиев Очил Элмуродович** — Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактаби мусиқа фани ўқитувчиси (бахши)

### «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

**Мадалиев Масуджон Маҳмудович** — «Устазода» халқ санъати усталари корхонаси кандакор устаси

**Муротов Ҳабибиддин Тожиддинович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор уста

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Каримов Бахтиёр Рауфович** — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»

**Иброҳимов Илҳом Абдуллаевич** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Фарғона вилояти бўлими хонандаси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

**Абдуқодирова Шодия Дилшотовна** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

**Атабаев Алишер Исроилович** — Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси аъзоси, актёр

**Аҳмедов Элмурод Ғанишерович** — Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли хонандаси

**Аширалиев Фурқатбек Даврон ўғли** — Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли хонандаси

**Бекчанов Александр Сатимович** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри вокал артисти

**Ғуломова Муҳаббат Юсуфовна** — «Истиқлол» санъат саройи қошидаги «Тошкент зеболари» рақс ансамбли раққосаси

**Мигнарев Абдухалил Абдуллаевич** — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

**Пиязов Женисбек Буркитович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқали театр-студияси опера хонандаси

**Раҳимова Дилноза Ҳакимовна** — Самарқанд вилояти мусиқали драма театри актёри

**Турдиева Юлдуз Чориевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Ҳайдарова Зарифа Баҳромовна** — Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театри актёри

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»

**Маврулов Абдухалил Абдулхаевич** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори

**Тўйчиева Зумрат** — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи бўлим бошлиғи

**Умуров Ҳотам Икромович** — Самарқанд давлат университети профессори, адабиётшунос

**Хасанова Любовь Тихоновна** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори

**Ҳусанов Абдумутал Холмўминович** — Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг енгил атлетика бўйича мураббийи

**Қувватова Раҳимахон Собиржоновна** — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

**Абдураҳимов Карим Бурҳонович** — «Правда Востока» газетасининг Бухоро вилояти бўйича мухбири

**Латипов Чори Тошмуродович** — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири

**Ўрмонова Саодат Убаевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлар» муҳарририяти катта муҳаррири

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

**Аяпов Шарапатдин** — Нукус давлат педагогика институти академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўлими бошлиғи, шоир

**Башарова Феруза Қутлуқовна** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти бўлим мудири

**Ғиёсова Гулчеҳра Қўчқоровна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали режиссёри

**Жумаев Абдуғани Жалилович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фотограф

**Мелиев Сувонқул** — ЎзФА Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, адабиётшунос

**Султонов Исажон Абдураимович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Тюрин Александр Иванович** — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси

**Ҳакимова Ровза Мирсалиевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студияси овоз режиссёри

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

**Мурмусаева Гулнора Қўчқоровна** — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази референс лабораторияси мудири

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Термиз шаҳрини «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуғ аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри **«Амир Темур» ордени** билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 август

АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР

# Фермер — фаровонлик йўлидаги ишончли ҳамкор



**Истиқлол туфайли ер ўз эгасини топди. Бугун нафақат ўзи, оиласи, балки маҳалладошларини ҳам иш билан таъминлаб, уларнинг хонадонларига барака киритишдек савобли ишларни уддалаётган соҳибкор-фермерлар маҳалламизда талайгина.**

**Меҳринисо САФАРОВА, Бухоро вилояти Жондор тумани Мирзаён қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси.**

Йиғинимиз ҳудудидаги «Ислом» фермер хўжалиги раҳбари Ғани Ҳамроев, Президентимиз таъбири билан айтганда, нафақат деҳқончилик сирларини пухта биладиган тадбиркор, айни пайтда иқтисодчи, ҳисобчи, менежер, селекционер, бизнесмен ҳамдир. Унинг саъй-ҳаракати билан маҳалламизнинг янги гузари барпо этилиб, ўнга яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Натижада 17 нафар ёш ишли бўлди.

Пахта ҳосилидан фермерларимиз олаётган даромад ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожи, ободончилиги, янги иншоотлар қурилиши ва саноат корхоналарини ташкил этишда бошланғич сармоя бўлаётир. Хусусан, «Оллоназар, Бобоназар, Шоҳназар» фермер хўжалиги раҳбари Бобоназар Чориев қишлоқ болалари учун замонавий спорт мажмуасини қуриб битказмоқда. «Воҳид, Йўлдош, Ҳамза», «Севара, Асад, Ортиқ» сингари фермер хўжаликлари ҳам бунёдкорлик ишларида бошқаларга ўрнак бўлаётир.

Айни пайтда ҳудудимиздаги 1220 гектар майдонда ғўза парваришланмоқда. Тез орада ғалвир сувдан кўтарилиб, фермер-деҳқонларимиз ҳосилни йиғиштириб олишади. Аммо ҳали далаларда агротехник тадбирларни давом эттириш керак. Негаки, август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр. Бу ойда ҳосил ўзига зарур озуқа ва парваришдан бебаҳра қолса, кутилган натижага эришиш қийин.

Буни яхши англаган илғор фермер Бобоназар Чориев айни пайтда даладан бери келмай, ғўза парваришида жавлон урмоқда. Унинг тинимсиз меҳнатлари эвазига бугун еридаги 120-125 минг туп кўчат бўй чўзиб, ҳар бири ўртача 7-8 тадан бўлиқ кўсак туккан. Бу гектарига 32-34 центнердан ҳосил дегани. Тажрибали агрономлар даламизни кўриб, режага қўшимча 5 центнер пахта териб олиш имконияти борлигини айтишди.

> [3]

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

# Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик

**Юртимизда азалдан қутлуғ саналар, тўй-ҳашамлар олдидан ҳашар уюштириб, кўча ва хиёбонларни тозалаш, тартибга келтириш анъанага айланган. Бундай хайрли ишлар истиқлол йилларида янгича маъно-мазмун касб этиб, кенг қулоч ёйди.**

**Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»**



Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, аҳоли учун маданий-маърифий дам олиш ва хизмат кўрсатиш масканларини барпо этиш ишлари кўлами кенгайди.

Ўтган ҳафта дам олиш кунлари 17 ярим миллион нафарга яқин юртдошларимиз республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашарида фаол қатнашиб, мамлакатимизни обод ва кўркам диёрга айлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар. Ушбу хайрия тадбирларининг уюшқоқлик ва ҳамжиҳатликда ўтишида фуқаролар йиғинлари фаоллари алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги мавжуд 401 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимлари ободонлаштириш ойлиги доирасида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳудудларни озода сақлаш қут-барака гарови экани ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

> [3]

НУРОНИЙЛАР ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КУЧ

# Ҳаёти ибрат, сўзлари ҳикмат

**Ёшларнинг билимли, касб-корли бўлиб вояга етишида ота-оналар қатори маҳалла нуронийларининг ҳиссаси катта.**



■ **М. МЕЛИҚУЛОВА «Mahalla»**

Пойтахтимизнинг Миробод тумани «Салар» маҳалла фуқаролар йиғинида йўлга қўйилган анъанага кўра, «Нуронийлар» жамоатчилик кенгаши томонидан ҳар ойда «Уч авлод учрашуви» ташкил этилади. Бундай давра суҳбатларида маҳалланинг онахону отахонлари, фаоллар, малакали педагог ва психологлар маълум мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалари, ҳаётий тажрибаларини ёшларга ўргатишади. Бу эса ўқувчи-ёшларда ўзига бўлган ишончни оширишда, шунингдек, уларнинг маънавий қадриятлар, она-Ватанга муҳаббат руҳида вояга етишида муҳим омил бўлмоқда.

Маҳаллада ташкил этилган бу галги учрашув энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик кунига бағишланди. Унда асосан, истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз, ёшларимиз учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритилди.

— Маҳалламиз аҳли нуронийларнинг кўмак ва малакасига суянади, — дейди фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулсара Кархибоева. — «Нуроний» жамоатчилик кенгаши фаоллари бой ҳаётий тажрибага эга отахону онахонлардан ташкил топган. Уларнинг ёшларимизга берган насиҳату маслаҳатларининг самараси ўлароқ, фарзандларимиз орасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликлар қайд этилмади.

Кенгаш фаолиятини яқиндан кузатар эканмиз, маҳалладаги ҳеч бир иш нуронийларнинг йўл-йўриқларисиз амалга ошмаслигига гувоҳ бўлдик. Ҳудудда ташкил этиладиган оммавий тадбирларда фахрийлар доимо бош-қош. Айниқса, йиғиннинг Яраштириш комиссияси билан улар ўртасида ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлик комиссия фаолиятининг самарадорлигини оширмоқда. Хусусан, кексалар ёш оилаларда юзага келган муаммоларни ижобий ҳал этишаётгани қувонарлидир. Бу каби хайрли ишлар натижасида маҳаллада сўнгги икки йил мобайнида оилавий ажримлар кузатилмади.

Дарҳақиқат, бугун «Салар» маҳалласида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилаларда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни эъзозлаш, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш каби кўникмаларни шакллантиришда нуронийларнинг беминнат хизмати катта бўлаётир.

СПОРТ БАЙРАМИ

# Спортсеварлар баҳси

**Сурхондарё вилояти Ангор тумани маҳаллаларида ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Фонднинг туман бўлинмаси томонидан спортнинг турли йўналишлари бўйича уч босқичли мусобақалар юқори савияда ташкил этилгани фикримизга бир далил.**

■ **М. БОБОМУРОДОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти Ангор тумани бўлинмаси масъул котиби.**

Туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган мусобақаларда ёшлар спортнинг футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси ва миллий кураш турлари бўйича ўзаро баҳс олиб боришди. Беллашувларда 36 та маҳалладан 1400 нафардан зиёд ёш иштирок этди. Қувонарлиси, улардан 120 нафари қизлар.

**Футбол** бўйича ўтказилган мусобақа муросасиз учрашувларга бой бўлди. Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғинида бошланган ўйинларда Янгиобод, Таллимарон, Кайран ва Алишер Навоий номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари ёшлари майдонга чиқишди. Ғолиблик Алишер Навоий номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини жамоасига насиб этди.

**Волейбол** бўйича рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган Ангор қишлоқ фуқаролар йиғини жамоаси биринчи ўринни эгаллаган бўлса, кейинги ўринларни Таллимарон ҳамда Алишер Навоий номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини жамоаси аъзолари банд этди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда эса навоийликларга тенг келадиган рақиб топилмади.

**Шахмат** бўйича Занг қишлоқ фуқаролар йиғини «Баҳор» маҳалласидан С.Тошбоев биринчи ўринни қўлга киритиб, Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла вакили Ш.Ражапов иккинчи, «Илғор» маҳалласидан М.Тошбоев учинчи поғонани банд этди. Қизлар ўртасидаги ақл чарҳи баҳсларида «Кайран» маҳалласидан М.Жонқулова барча рақибаларини ортда қолдирди.

Мусобақалар ёшларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказишида қўл келгани билан бирга, баркамол бўлиб вояга етишларига ҳам замин яратмоқда.

БОЛАЛАР СПОРТИ

# Рағбат ва имконият юксак марраларга чорлайди

**Истиқлол йилларида болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар билимли, жисмонан бақувват ўғил ва қизларни камолга етказишда қўл келаётир. Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бу борадаги ишларда дастуриламал бўлмоқда.**



■ **Расул КАМОЛ «Mahalla»**

Сўнгги йилларда болалар, жумладан, қизларни спортга жалб этиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Чунончи, чекка ҳудудларда қурилган спорт иншоотларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Жорий йилнинг ўзида Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан мунтазам спорт билан шуғулланган фарғоналик қизлар учун 17 минг 342 дона миллий ва замонавий спорт кийимлари олиб берилди. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган режага кўра, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-қизлари сафида спорт билан изчил шуғулланадиган кам таъминланган оилаларнинг 9130 нафар қизига ҳам шундай бежирим спорт либослари туҳфа қилинди.

— Спортчи қизларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида амалга оширилган ишлар жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим омил бўлмоқда. — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона вилояти филиали раҳбари Маъруфжон Турдиматов. — Вилоятимизда 270 минг нафардан зиёд 18 ёшгача бўлган қиз спортнинг оммавий турларига жалб этилган. Улар турли беллашувларда ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўзида 42 нафар қиз республика мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. Бухорода бўлиб ўтган «Баҳор маликалари — 2014» танловининг республика босқичида ҳам Фарғона шаҳрининг енгил атлетикачилари фаол иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, вилоятда қизлар ўртасида спортнинг гимнастика, теннис, стол тенниси, енгил атлетика, сузиш турлари тез оммалашмоқда. Жамғарма томонидан кам таъминланган оила фарзандларининг спорт билан шуғулланишларига кўмаклашиш мақсадида ўтган вақт мобайнида 60 мингдан зиёд спорт кийимлари бепул тарқатилди.

Соғлом бола йилида вилоятнинг энг чекка ҳудударида ҳам спортнинг оммавийлигини таъминлаш, спортчи ёшлар учун зарур шароитлар яратиш мақсадида 1 та янги спорт иншооти, 5 та умумтаълим мактаби учун замонавий спорт зали, 3 та янги мусиқа ва санъат мактаби қурилди, 1 та спорт иншоотида реконструкция, 3 тасида капитал таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Уларга 40 турга яқин замонавий, халқаро меъёр талабларига жавоб берадиган спорт жиҳозлари етказиб берилаётир. Соҳа ривожи йўлида амалга оширилаётган истиқболли ислоҳотлар спорт маликалари сафини кенгайтириш, қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, чиниқтириш имконини бермоқда.

Оммавий спорт тадбирлари ўтказиш режасига асосан, вилоятда 426 марта турли спорт мусобақаси ташкиллаштирилиб, уларда 62025 нафар спортчи қизнинг иштироки таъминланди. Бундай амалий ишлар ва замонавий спорт анжомлари ёш спортчиларнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги беллашувларда фаол иштирок этиб, юксак натижаларни қўлга киритишида муҳим омил бўлмоқда.

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

# «Қутлайман юракдан Ўзбекистонни!»

**Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами муносабати билан пойтахтимизнинг Миробод, Чилонзор ҳамда Бектемир туманлари ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Миллий боғида *«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!»* шиори остида «Қутлайман юракдан Ўзбекистонни!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.**

■ **М. МЕЛИҚУЛОВА «Mahalla»**

Унда халқимизнинг истиқлол ғояларига ва она-Ватанга меҳр-муҳаббати, садоқати ҳақида сўз борди.

— Бугун истиқлол туфайли ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик, оилаларимизда осойишталик, тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурмоқда, — дейди Миробод тумани «Янги Миробод» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳмуда Ҳакимова. — Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тадбирда маҳалламиз аҳли ҳам фаол қатнашиб, ҳунармандчилик, каштачилик ва тикувчилик маҳоратини намойиш этди.

Халқимизнинг бой тарихи, бебаҳо мероси, анъана ва қадриятларини ўзида жамлаган бундай тадбирлар нафақат юртдошларимизни, балки хорижлик меҳмонларни ҳам ўзига маҳлиё этди.

— Ўзбекистонга кўп маротаба ташриф буюрганман, — дейди германиялик сайёҳ Гервин Маг. — Бу гўзал диёр ўзининг мафтункорлиги билан кишини чорлайверади. Мазкур ташрифим Мустақиллик байрами арафасига тўғри келди. Оилам билан юртингизнинг байрамлари, тарихи, урф-одатлари ва қадриятларини ўрганяпман.

Ҳа, Мустақиллик туфайли халқимизнинг эзгу орзулари рўёбга чиқмоқда.




## Тинчлик учун музокара лозим

**БМТ Хавфсизлик кенгаши Исроил ва Фаластинни тинчлик музокараларини қайта бошлашга чақирди.**

Кенгаш Исроил ва Фаластин ўртасида ҳарбий тўқнашувлар қайта бошланганидан жиддий хавотир билдирди. 15 мамлакатдан иборат кенгаш тарафларни зудлик билан узоқ муддатли ўқ отишни тўхтатишга келишишга ундади.

Ҳарбий амалиётлар сешанба куни янгидан бошланди. Исроил расмийлари баёнотига кўра, сулҳ битимининг бузилишига Ғазо томонидан Исроил ҳудудига бир неча ракета отилгани сабаб бўлган.



Ғазодаги жанговар амалиётлар оқибатида икки мингдан зиёд фаластинлик ва 67 нафар исроиллик ҳалок бўлди.

## Ёмғир кўчкини бошлаб келди

**Япония ғарбида ер кўчкиси юз берди.**



Хиросима перефектурасида ёққан шиддатли ёмғир натижасида ер кўчган. Адирлик ёнида жойлашган бир нечта уйни тупроқ босиб қолган.

Оқибатда 27 киши ҳалок бўлди, яна 9 киши бедарак кетди. Ҳалок бўлганлар орасида беш кишини қутқарган, бироқ ўзи қочишга улгурмаган қутқарувчи ҳам бор.

Маълумотларга қараганда, ҳудудда кўчки камида беш марта рўй берди. Маҳаллий расмийлар сўровига биноан қутқарув ишларига Япония армияси аскарлари жалб этилган. Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда.

## Дунёнинг энг яхши шаҳарлари

**Британиянинг «The Economist» журнали томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Мельбурн (Австралия) дунёнинг энг яхши шаҳри, деб топилди.**

Иккинчи ўринни Вена (Австрия) эгаллаган. Кейинги ўринларга Ванкувер, Торонто, Калгари (Канада), Аделаида (Австралия) лозим топилган. Энг яхши шаҳарлар ўнлиги Сидней (Австралия), Хельсинки (Финляндия), Перт (Австралия) ва Окленд (Янги Зеландия) билан якунланган.



Шаҳарларни жозибадорлиги бўйича баҳолашда ижтимоий барқарорлик, хавфсизлик, тиббий хизмат, маданий инфратузилма ва экология сингари омиллар асосий мезон саналади. Рўйхатда қуйи ўриндан Дамашқ (Сурия) ва Триполи (Ливан)дан ташқари, Дакка (Бангладеш), Порт-Морсби (Папуа — Янги Гвинея), Лагос (Нигерия) жой олган.

■ **Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

# Тарбия асрий ва ҳаётий ҳақиқатга уйғунлашган

**«Боланинг бегонаси бўлмайди», «Бир болага етти қўшни ота-она» сингари ҳикматларни кўп эшитамиз. Бироқ уларнинг мазмун-моҳияти хусусида ҳар доим ҳам чуқур мулоҳаза юритмаймиз. Аслида бу ҳикматлар замирида асрлар давомида аждодларимиз ҳаётига сингган эзгу қадриятлар мужассам.**

■ **Ашурали БОЙМУРОДОВ, журналист.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида маънавий ҳаётимизни юксалтиришда маҳалланинг ўрни ва таъсири хусусида сўз юритилиб, жумладан, шундай дейилади: «Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она», деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз».

Дарҳақиқат, бола ўз уйида, таълим даргоҳида ва маҳаллада тарбия топади. Унинг юриш-туриши, аввало, маҳалла аҳлининг кўз ўнгида кечади. Шундай экан, ён-атрофимизда камолга етаётган бола, қайси оиланинг фарзанди эканидан қатъи назар, унинг хулқи ва жамоат жойида ўзини тутишига бефарқ бўлмаслик лозим.

Бекобод шаҳридаги «Металлург» маҳалласида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

— Эртанги кун эгалари бўлган ёш авлод тарбиясида маҳалланинг ўрни беқиёс, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳалима Ёрматова. — Зеро, ўзаро меҳр-оқибатли, яхши-ёмон кунларда елкадош бўлишдек халқимизга хос фазилатлар айнан маҳалла муҳитида ёшлар онги, дунёқарашига сингади. Шундай қадриятлар руҳида улғайган инсон эзгулик, бунёдкорлик ишларига қодир бўлади. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида мактаб, касб-ҳунар коллежларида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни ОИТС, гиёҳвандлик, одам савдоси, «оммавий маданият» таҳдидларидан асраш каби вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида маҳалламизда аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.



Шу асосда жойларда учрашув, семинар, давра суҳбатлари ҳамда турли тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган ишлар самараси ўлароқ, бугун маҳалламиз ёшлари ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бутунлай барҳам топди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Касб-ҳунар коллежларини битирган 48 нафар ёшни иш билан таъминлашда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатдик. Улардан аксарияти ҳудуддаги «Ўзметкомбинат»га, ўн нафар қиз маҳалладаги тикувчилик цехига ишга жойлаштирилди.

Фуқаролар йиғинида 16-умумтаълим мактаби маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгараги ёшларнинг ҳунар ўрганишида қўл келмоқда.

«Металлург» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 5 минг нафардан зиёд аҳолининг 2 минг нафарга яқини ёшлардир. Уларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш масалалари ҳам фаолларнинг диққат марказида. Маҳалла ва мактаб мутасаддилари томонидан болалар спортини ривожлантириш, ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мунтазам ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари, айниқса, ўсмирлар ўртасидаги «Футболимиз келажаги» ва «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирлари ёшларнинг соғлом бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета
Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.
Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73
ISSN 2010-7013
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Ф.Ҳамдамов
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Нашр кўрсаткичи: 148 20370 нусхада чоп этилди. Буюртма S-718 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Омонов Шавкат Эргашевич — Тошкент педиатрия тиббиёт институти кафедра мудири

Тошпўлатов Абдувоҳид Ғаниевич — Республика ихтисослашган суяк хасталиклари ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази директори

Узақбаева Замира Зарлиқбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси педиатри

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»**

Собиров Фарҳод Шавкатович — Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг шахмат бўйича катта мураббийи

Турғунов Ойбек Аширович — Андижон олимпия захиралари коллежи оғир атлетика бўлими мураббийи

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»**

Мамазулунов Ойбек Каримшер ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Мочалов Алексей Юрьевич — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»**

Аҳмадалиева Муқаддасхон Обидовна — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

Бобоева Нигора Амирқуловна — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

**«Буюк хизматлари учун» ордени билан**

Қаюмов Азизхон — ЎзФА академиги, адабиётшунос

**«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан**

Аҳмедов Муҳаммад Али — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

Ғафурбеков Тўхтасин Ботирович — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа тарихи ва танқид кафедраси профессори, композитор

Назарбеков Озодбек Аҳмадович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Умаров Саидкомил Ҳамраевич — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**

Арипова Шоҳида Раҳматовна — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори

Атамуратов Елмурат Турсимуратович — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Кенес» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори

Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович (Иқбол Мирзо) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Наубетов Даулетяр Дауишбаевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали травматология бўлими мудири

Раҳимов Акбар Муҳитович — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, кулол

Холиқова Зулхумор Абдувоҳидовна — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

Аваков Вячеслав Ервандович — Тошкент тиббиёт академияси «Анестезиология ва реаниматология» кафедраси профессори

Авезова Нилуфар Раббанақуловна — ЎзФА Физика-техника институти етакчи илмий ходими

Бекчанов Нурулла — Хоразм вилояти Боғот тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири

Ғойипов Норматжон Нишонбоевич — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири

Зайтаев Муҳамаджон — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи директорининг биринчи ўринбосари

Миршина Ольга Павловна — Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази коммунал гигиена бўлим мудири

Муҳамедов Шавкат — Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси созандаси

Раҳимова Раъно Сафаровна — Республика Маънавият тарғибот марказининг Жондор тумани бўлими раҳбари

Султонова Ўғилой Набиевна — Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 3-ихтисослашган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

Юсупов Ғуломзакир Есенович — «Нурлы жол» газетаси бош муҳаррири

Юсупов Зияутдин Миркадирович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганч ўймакор уста

Ёқубов Бахтиёр Раҳимович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори

Қуронов Муҳаммад — Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари вазифасини бажарувчи

Ҳалимов Жамол Намозович — Бухоро вилояти Шофиркон маиший хизмат ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

Абдуллаев Мурод Бобожонович — Бухоро вилояти Олот тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими болалар реаниматологи

Бозорова Турсун Наврўзовна — Навоий вилояти перинатал марказининг чақалоқлар бўлими ҳамшираси

Бортникова Оксана Ивановна — Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 23-сонли ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактабининг синхрон сузиш бўйича мураббийи

Каримов Равшан Раҳимович — Бухоро шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш бўйича мураббийи

Наипова Дилдора Турсуналиевна — «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли хормейстери

Шералиева Саёҳат — Фарғона шаҳар болалар уйи ҳамшираси

**«Дўстлик» ордени билан**

Абдимов Жигербай — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актёри

Абдувоҳидов Мубаширхон — Наманган муҳандислик-технология институти «Технологик машина ва жиҳозлар» кафедраси доценти

Азизов Эркин Турсунович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Наманган вилояти бўлими аъзоси, рангтасвирчи рассом

Болтаев Ботир — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими аъзоси, реставратор

Данилова Наталья Адамовна — Республика қўғирчоқ театри актёри

Дурдиев Бармат — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ижодий бирлашмалар ва халқ ижодиётини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Исоқова Бўтакўз Камолдиновна — Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Маҳмудова Саида Саидикрамовна — Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг стол тенниси бўйича мураббийи

Муҳамедалиев Ҳайдар (Ҳайдар Муҳаммад) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, драматург

Пак Виктор Николаевич — Ўзбекистон корейс маданий маркази раиси

Расулов Ботиржон Қосимович — Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри бош дирижёри

Роговая Татьяна Петровна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийи

Седухин Сергей Михайлович — «Дийдор» театр-студияси рассоми

Суннатов Одил — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори

Сугано Рейко — Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Япон филологияси» кафедраси катта ўқитувчиси

Тожибоева Назира Отахоновна — Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими мудири

Усмонова Зуҳро Ўктамовна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг Таржима таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

Шомуродов Тоғаймурод — Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетаси мухбири

Эргашев Баҳодир Ҳожиқурбонович — «Фуқаролик жамияти-Гражданское общество-Civil society» журнали бош муҳаррири

Эргашев Раҳим Ражабович — Бухоро вилояти мусиқали драма театри актёри

Эргашова Мухтасархон Йўлдошевна — Андижон вилояти Балиқчи тумани «Аълам» қишлоқ врачлик пункти мудири

Юнусов Дамир Идрисович — «Ўзбекдавлатцирки» республика бирлашмаси артисти

Қдирниязова Кансаят Оразовна — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«Шуҳрат» медали билан**

Абдуллаев Икромиддин Нумонович — Фарғона вилояти Бувайда туман «Мақомчилар» халқ ансамбли мусиқа раҳбари

Абдуллаев Мамасоат Ғаниевич — Жиззах санъат коллежи бўлим бошлиғи

Абдуллаева Малика Мирзажоновна — Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани «Дўстлик» қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси

Абдураимова Нигина Жасур қизи — Теннис бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Абидова Зулфия Дилшодовна — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 51- оилавий поликлиника офтальмологи

Адилова Саида Арзиевна — Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси 7-сон поликлиника ҳамшираси

Аминова Зиёда Аслоновна — Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири

Асқаров Маҳмадали Раҳбарович — Тошкент ҳайвонот боғи бўлим мудири

Бобобекова Юлдуз — Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Бобохонова Зебо Абдуллаевна — Тошкент кимё-технология институти «Силикат материаллар ва нодир, камёб металлар технологияси» кафедраси доценти

Боймуродов Ашурқул — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Ваисова Гулчеҳра Аҳмедовна — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-сон академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Давлатов Қозоқжон Қўзиевич — Республика Маънавият тарғибот марказининг Қоракўл тумани бўлими тарғиботчиси

Давлатов Эркинжон Худойназарович — Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Дадаматов Абдукарим Усмонович — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи босма цехи чоп этувчиси

Жалилов Ботир Қосимович — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қирқув дастгоҳлари машинисти

Дусанова Надия Юсуповна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ибрагимов Шавкат Худайназарович — Хоразм вилояти телерадиокомпанияси режиссёри

Имомов Иқболжон Мухтарович — Ўзбекистон миллий симфоник оркестри созандаси

Иргашева Дурдона Ёқубжоновна — Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот хавфсизлиги кафедраси мудири

Каримов Мирвосит Мирвосиқович — Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази бўлим мудири

Куприянова Наталья Георгиевна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хормейстери

Мирзааҳмедов Султонмурод Тўхтамуродович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студияси постановкачи-оператори

Мирсаидова Муқаддас Олимхўжаевна — Қашқадарё вилояти Қарши тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

Муқумова Розия Жўраевна — Сирдарё вилояти кўзи ожизлар махсус ахборот-ресурс марказининг бўлим мудири

Муталов Дилшод Азизович — Ўзбек давлат академик халқ чолғулари оркестри бадиий раҳбари – бош дирижёри

Намуратов Эшбек Кунгирович — Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Чавқи» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари

Носирова Муяссар Азизовна — Фарғона вилояти перинатал маркази бўлим мудири

Нигманова Маҳфуза Муҳиддиновна — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи буклов машинаси машинисти

Нишонов Ҳусан Маҳмарайимович — «Маърифат» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Нуралиева Гулноза Саъдуллаевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази 1-шошилинч педиатрия бўлими мудири

Нуриддинова Жамилахон Икромовна — Фарғона вилояти Қува туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Обрўева Гулчеҳра Ҳамроқуловна — Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили фонетикаси кафедраси мудири

Ортиқов Шавкатжон Зокиржонович — «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири

Парпиев Алишер Ҳожимуродович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали режиссёри

Ражабов Ислом Аъзамович — Қарши санъат коллежи ўқитувчиси

Ражапов Бахтиёр Бобомуродович — Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

Расулов Абдуҳамидулла Эркинович — Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефереси

Раҳимов Миршоҳид Собитович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телеканали бош мутахассиси

Раҳматова Жамила Адизовна — Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Раҳмонова Насибахон Турсуновна — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани «Ҳуррият» қишлоқ врачлик пункти мудири

Рузметова Оксана Азадовна — Хоразм вилояти Хива туманидаги 20-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси

Содиқов Илҳом Исмоилович — ЎзФА Ядро физикаси институти лаборатория мудири

Сасмаков Собиржон Анарматович — ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими

Сатторов Қаҳрамон Ўроқбоевич — Ангрен ахборот технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Сафарова Холбиби Ҳотамовна — «Маҳалла» газетасининг Навоий вилояти бўйича мухбири

Тожибоева Сайёра Мирзамудовна — Сирдарё вилояти Гулистон тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг биология фани ўқитувчиси

Тошбоева Ихлим — «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, каштадўз

Турдиқулов Шавкат Суюндиқович — Республика олимпия захиралари коллежи қиличбозлик бўлими катта мураббийи

Шодиев Маҳамаджон Маҳмуджонович — «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири

Усмонова Дилдор Усмоновна — Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси

Усмонова Луиза Тўхтасиновна — Жиззах тумани «Жиззахлик» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори

Файзиматов Музаффар Азамович — Республика болалар ортопедия маркази чаноқ-сон бўғими патологияси бўлими мудири

Ҳайдарова Зулхумор Расуловна — Андижон вилояти Олтинкўл тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

Ҳақназаров Мамараҳим Абдукаримович — «Сайхун йигитлари» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари

Хўжаева Гулбаҳор Тошевна — Навоий вилояти Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмаси неонатологи

Худойберганова Мақсуда Ҳайдаровна — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи муқоваловчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 август

---

**ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

## Энг улуғ, энг азиз байрам — ижодкорлар нигоҳида

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**



Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат намояндалари, маънавият тарғиботчилари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков, Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазратқулов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён этиши учун барча имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори илм-фан, маърифат, маданият ва санъат соҳаларини равнақ топтириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларда ижодкорларни навқирон авлодни ватанпарварлик, фидойилик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи юксак савияли, бадиий жиҳатдан мукаммал асарлар яратишга руҳлантириш, самарали меҳнат қилаётган юртдошларимиз меҳнатини эъзозлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан шу кунларда мустақиллигимизнинг 23 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик жараёни қизғин тус олган. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Бадиий академия, «Тасвирий ойина» уюшмаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар томонидан «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танловини юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қутлуғ байрам арафасида ижодий беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари бўлиб ўтди. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя ўз ифодасини топган. Танловнинг республика босқичига адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича тўрт юзга яқин ижодкордан қарийб беш мингта иш тушди. Тақдим этилган асарларда истиқлолнинг маъно-мазмуни, халқимиз танлаб олган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий экани, ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида эришилган ютуқ ва марраларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга ҳаётий, таъсирчан, содда ва айни дамда самимий, ўзига хос ижодий ёндашув асосида очиб берилганига эътибор қаратилди.

— Истиқлол ижод аҳлига эркин ва самарали фаолият кўрсатиш, ўз салоҳиятини тўла намоён этиш имконини берди, — дейди танлов ғолиби, кино режиссёр Аюб Шаҳобиддинов. — Бугун мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқ ва марралар Ватанимиз тараққиёти, жамият ҳаёти билан бирга юртдошларимизнинг тақдирида, онгу тафаккури, кайфияти ва руҳидаги ижобий ўзгаришларда ўз ифодасини топмоқда. Буларнинг барчасини тараннум этиш бизга катта масъулият юклайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ижод аҳлига кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Танлов якунида турли йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.



АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР

# Фермер — фаровонлик йўлидаги ишончли ҳамкор

< [1]



Ҳақиқатан ҳам, ҳосил чўғи салмоқли, сифатли бўлишига интилган фермер борки, ой давомида ғўзани вақтида суғориш, сифатли культивация қилиш, чилпишни кечиктирмаслик, зараркунанда ҳашаротлар ва касалликларга қарши вақтида ишлов бериш пайида бўлади. Тўғри ва сифатли чилпилган ғўзаларда ҳосилнинг ривожланиши 7-8 кунга тезлашиб, ҳосилдорлик гектарига 3-5 центнердан 8 центнергача ошади.

Ҳар бир ишга меҳр билан киришганда юқори натижаларга эришиш мумкин. Айниқса, меҳнати оғир ғўза парваришида меҳр билан бирга фидойилик ҳам зарур. Дейлик, агротехник тадбирлар ҳосил салмоғини оширса, ғўзани тунда суғориш унинг ривожига яхши самара беради. Тунда ғўза қониб сув ичади. Аммо суғоришда кўллатишга ҳам, чўллатишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Чанқаган ғўза гул ташлайди, оқибатда ҳосил салмоғига путур етади. Борди-ю, кўллатиб суғорилса, ғўза ранги сарғайиб, ғовлаб кетади. Бундай майдонларда дарҳол эгатларни тобига келтириш, маҳаллий ўғит билан культивациялаш ҳамда суспензиялаш ғўза ривожини маромида тутишга имкон туғдиради.

Халқимиз: «Асад суви — асал суви» деб бежиз айтмаган. Ғўзаларни ҳосил тўплаш даврида гектарига 1200-1300 $м^3$ сув билан суғориш тавсия этилади. Бунда ҳар бир пайкалнинг, керак бўлса ҳар бир ғўза қаторининг ва тупнинг ҳолатидан келиб чиқиб, қатор оралатиб ёки якка қаторлатиб суғориш зарур. Агар «шарбат» усулида суғорилса, айни муддао. Маҳаллий ўғит ғўзага озиқ бериш билан бирга сувнинг буғланишини камайтиради, тупроққа сингишини яхшилайди, намни узоқ вақт сақлайди.

Август ойи кириши билан ҳарорат нисбатан пасайиб, тунлари салқин тушиши кўсак қурти, ўргимчаккана каби зараркунандаларнинг кўпайишига шароит туғдиришини инобатга олган фермерларимиз айни пайтда кушандаларга қарши курашмоқда.

Олдимизда масъулиятли мавсум — пахта йиғим-терими турибди. Бугун барчанинг фикри-зикри етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, тез ва уюшқоқликда саранжомлаб олишга қаратилмоқда. Ҳудудимизда ҳам бу муҳим тадбирга пухта ҳозирлик кўрилаётир. Айни вақтда даладан тортиб, қабул қилиш пунктигача ушбу юмушга зарур бўладиган воситалар тахт қилиб қўйилди.

Одатда халқимиз эл-юрт миқёсидаги катта ишларни ҳашар йўли билан амалга оширган. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда. Қишлоғимиз аҳли ҳар йили катта шижоат билан фермерларимизга кўмакка чиқишади. Уларни уюштиришда биз — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари бошқош бўламиз. Жорий йилда ҳам уч минг нафарга яқин мирзаёнликлар йиғим-теримда қатнашиш истагини билдирмоқда. Айни вақтда улар билан фермер хўжаликлари ўртасида мавсумий меҳнат шартномалари тузилиб, ҳашарчилар гуруҳлари шакллантирилмоқда. Айниқса, ўтган йилги мавсумда иштирок этиб, катта даромад топган моҳир теримчиларимиз ҳозирданоқ ташаббусни қўлга олишган.

Ҳудудимизда фаолият олиб бораётган ҳар бир фермер — маҳалладошимиз, қишлоқдошимиз. Унинг эрта баҳордан буён қилган фидойи меҳнати самараси — етиштирилган ҳосилнинг бирор мисқолини ҳам қолдирмай йиғиштириб олишга барчамиз ўз ҳиссамизни қўшамиз. Бу эзгу юмушда биз фаоллар қўлдан келган кўмагимизни аямаймиз.

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

# Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик

< [1]

Бунинг натижасида ободонлаштириш ишларида 776 минг нафардан зиёд аҳоли иштирок этган бўлса, уларнинг 427 минг нафарга яқини ёшлардир.

Шижоатли ва ташаббускор фуқароларнинг саъй-ҳаракатлари билан тадбир давомида 1949 гектар майдон ободонлаштирилиб, 2324 тонна маиший чиқиндилар ташиб чиқарилди. 1057 километр ариқ-лотоклар тозаланиб, 950 минг тупдан зиёд дарахтга шакл берилиб оқланди. Қутлуғ саналарни туҳфалар билан қаршилаш ҳам эзгу анъаналаримиздан. Қадим қадриятларимизни қадрлаган жиззахликлар улуғ тўйига катта тўёна ҳозирламоқда. Жумладан, байрам арафасида Жиззах шаҳридаги «Ёшлик», Зомин тумани Зомин шаҳарчасидаги «Каттабоғ» ва Собир Раҳимов номли маҳаллаларда болалар майдончалари фойдаланишга топширилди. Зарбдор тумани Ойбек номидаги маҳалла ҳудудида ишга туширилган гўзаллик салони эса оилалар чиройи ва чароғбони — аёллар учун муносиб байрам туҳфаси бўлди.



Ободонлаштириш тадбирлари кишилар ўртасида меҳр-оқибат, инсонпарварлик фазилатларини мустаҳкамлайдиган миллий қадриятларимиз сирасидан. Шу боис бу галги хайрия ҳашарида ногиронлар, якка-ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга кўрсатилган меҳр-мурувват ёрдамлари кўлами ҳар қачонгидан ҳам кенг бўлди.

Ойлик ҳамда ҳашар доирасида вилоят бўйича минг нафардан зиёд қария, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, эҳтиёжманд оилаларнинг 56 минг 120 квадрат метр тураржойлари таъмирлаб берилди.

— Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир, — дейди Жиззах шаҳридаги «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Норбуви Шамсиева. — Ободонлаштириш тадбирлари доирасида амалга оширилган эзгу ишлар маҳалладошларнинг бир-бирига меҳрини янада кучайтирди.

Сирдарё вилоятида ҳам ободонлаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Хусусан, ҳукуматимизнинг инвестиция дастури доирасида Гулистон шаҳрини ободонлаштириш, унинг санитария ҳолатини тубдан яхшилаш, инфратузилмасини, ирригация ва мелиорация тармоғини модернизациялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳарнинг марказий кўчалари қиёфасини янада кўркамлаштириш мақсадида айрим пастқам бинолар, уй-жойлардан воз кечилди, кўчалар асфальтланиб, йўл бўйларига лоток-ариқлар ётқизилди.

Бундай ишлар водий вилоятларида ҳам уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Хайрия тадбирларида иштирок этаётган барча корхона, муассаса ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобига ўтказиб бериляпти.



— Кўтаринки руҳда ҳамжиҳатлик билан ўтаётган ободонлаштириш ишларидан ҳамда ҳашардан тушган маблағларнинг асосий қисми кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларига сарфланади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими бошқаруви раиси Акромжон Йўлбарсов. — Шунингдек, бу галги тадбир янги бино ва иншоотлар, маҳалла гузарлари, маиший ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ишга туширишда, фуқаролар йиғинлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашда қўл келади. Ёзёвон туманидаги «Баҳор», Учкўприк туманидаги «Тожик» маҳаллаларида спорт мажмуалари фойдаланишга топширилгани болажонларнинг қувончига қувонч қўшди.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида сайёҳликни ривожлантириш ҳамда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларини қайта қуриш дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида чинакам бунёдкорлик ишлари бажариляпти. Шунингдек, вилоятнинг барча туманларида янгиланиш, қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Эски иншоотлар ўрнида янги, ҳашаматли бинолар қад ростлаяпти, йўллар кенгайтирилиб, хиёбонлар, маҳалла гузарлари, болалар спорт майдончалари, меҳмонхона ҳамда чойхоналар барпо этилаётир.

— Аҳолининг юртга дахлдорлик ҳисси йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Хуршид Шаропов. — Кексаю ёш ҳамжиҳат бўлиб, кўнгил амри билан ҳудудларни саранжом-саришта сақлашга бел боғлаган.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик шодиёналари арафасида амалга оширилаётан ободонлаштириш ва тозалик тадбирлари одамлар қалбига ободлик, яратувчанлик туйғуларини олиб кираётир.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Тадбиркорларга кўмак доимий эътиборда

**Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун кенг имкониятлар яратилаётир. Қулай ишбилармонлик муҳити туфайли мазкур тармоқнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳамда экспорт ва бандликни таъминлашдаги улуши йилдан-йилга ортмоқда. Бундай ишлар Соғлом бола йилида янада изчил тус олаётгани қувонарли.**

**Юлдуз ҲОЖИЕВА**
**«Mahalla»**




Жорий йилга бағишланган Давлат дастуридан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид алоҳида бандлар ўрин олган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки фаол иштирок этмоқда.





Аҳолига кенг турдаги сифатли молиявий хизмат кўрсатаётган мазкур банк мижозлари 1,4 миллион нафардан ошгани ҳам муассасанинг намунали фаолиятидан далолатдир. Айниқса, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, ихчам иссиқхоналар очиш, паррандачилик ва асаларичилик, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишни рағбатлантириш — «Асака» банкнинг доимий фаолият йўналишларидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 498,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Натижада 2725 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, банк томонидан тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 74,5 миллиард сўм, тадбиркор аёллар лойиҳаларини молиялаштиришга 44,6 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик тараққиётига 4,6 миллиард сўм, таълим муассасалари битирувчиларининг ўз бизнесини ташкил этиши ва ривожлантириши учун 4,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

— Банкдан олинган имтиёзли кредит эвазига трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Корхонамизда ўн нафар ишчи кучига ҳам эҳтиёж туғилди, — дейди Қўқон шаҳридаги «Раштекстиль» масъулияти чекланган жамият раҳбари Шавкатжон Алимов. — «Асака» банкнинг молиявий ёрдамидан фойдаланиб, бўёқ ва тикув цехларини ташкил этиш арафасидамиз. Ушбу банк жамоасининг малакали кадрлари, ҳисоб-китоб ишлари аниқлик, тезкорлик ва юқори сифатли интерфаол усулларда бажарилиши боис ҳисоб-рақамимиздаги маблағлардан мунтазам хабардормиз, вақтимиз ҳам, нақдимиз ҳам тежоғли.

Мамлакатимизда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи кичик корхоналарни барпо этиш, ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлаётир. «Асака» банк ушбу мақсадлар учун 101,6 миллиард сўм йўналтирди. Бунинг эвазига, аввало, ҳудудларда яшовчи аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан тадбиркорларга 119,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар берилди. Сармояларнинг рақобатбардош ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш каби истиқболли лойиҳаларга йўналтирилгани диққатга сазовордир.

Айни пайтда мамлакатимиз банклари кичик бизнес субъектлари билан нафақат мижоз, балки яқин ҳамкор сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги ишбилармонлар молия муассасалари ёрдамида ишлаб чиқариш қувватларини ошириб, янги иш ўринлари яратмоқда.

— Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кўламининг тобора кенгайиб бораётгани қурилиш материалларига талабни оширмоқда, — дейди Тошкент шаҳридаги «Razata» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Акмал Зиёев. — Ана шу талабни эътиборга олиб, қурилишда муҳим восита — микрокальцит ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. «Асака» банкнинг лойиҳамизни қўллаб-қувватлаши натижасида қисқа фурсатда замонавий ускуна харид қилиб, иш бошладик. Жорий йилнинг охирига қадар истеъмолчиларга 1,7 миллиард сўмлик қурилиш маҳсулотлари етказиб беришни режалаштирганмиз.

Марғилон шаҳридаги «Наврўз» хусусий корхонасида маҳаллий хомашёдан 55 турдаги мебель ишлаб чиқарилади. Корхона раҳбари Ғуломжон Нишоновнинг айтишича, ўтган йили банк сармояси асосида 1,5 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, экспортга йўналтирилган ҳамда 65 та иш ўрни яратилган. Жорий йилнинг охирига қадар ёғоч чиқиндиларидан турли қалинликда ДСП ва ДВП маҳсулотлари тайёрлаш ва ўндан зиёд янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Мухтасар айтганда, «Асака» банк томонидан молиялаштирилаёган лойиҳалар аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, банк кўмагида аҳолида тадбиркорликка қизиқиш ортмоқда, кичик бизнес вакиллари иқтисодиётимизни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Зотан, тадбиркорликни ривожлантириш, бунёдкорлик ва тараққиёт йўлига камарбаста бўлиш банк жамоасининг доимий эътиборидадир.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Танлов тажриба ва маҳорат мактабига айланади

**Тараққиёт доимий изланиш, янгиликка интилишни талаб этади. Шу боис мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини қуриш жадал суръатларда давом этаётган бир пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тўпланган янги-янги тажрибаларни оммалаштиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.**

**Учқун МАҲМУДОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Ташкилий-кадрлар бўлими бошлиғи.**

Фуқаролар йиғинларида фаолият самарадорлигига эришиш, ваколатлардан унумли фойдаланиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловнинг саралаш босқичлари маълум бир ҳудудда тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилса, республика босқичи юртимиз миқёсида энг намунали, деб топилган маҳалла фаолиятини бошқа йиғинларга ўрнак қилиб кўрсатишда қўл келяпти. Мисол учун, ўтган йилги «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичида пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Аҳил» маҳалласи ғолиб бўлганди.

Ушбу йиғинда ҳомийларни жалб этган ҳолда ҳудудлар инфратузилмасини янада яхшилаш, кўчаю хиёбонлар, аҳоли массивларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича оммалаштиришга арзигулик тажриба тўпланган. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидаги маҳаллалар бундан андоза олди.

Танловнинг туман(шаҳар) босқичлари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 25 февралдаги 37-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги дастур ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги қўшма қарори асосида жорий йилнинг июнь ойида ўтказилди.

Танловнинг саралаш босқичларида 7563 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи иштирок этган бўлса, улардан 587 таси фахрли ўринларга сазовор бўлди, 1016 таси турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритди. Энг юқори балл тўплаб, 1-ўринни эгаллаган 193 та фуқаролар йиғини танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичларида иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» ПҚ-2198-сонли қарори ижросини ташкил этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 100-сонли йиғилиш баёнида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, танлов шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Низом ҳамда Республика ташкилий-ишчи гуруҳи йиғилишининг 2014 йил 31 июлдаги қарорига асосан рағбатлантирувчи ўринлар 3 тадан 5 тага кўпайтирилди.

Жорий йилнинг август ойида ўтказилиши режалаштирилаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги фуқаролар йиғинлари орасида тенгсиз, деб топилган 14 та маҳалла учта шарт бўйича баҳс олиб боради.

Фуқаролар йиғинлари томонидан мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижроси танлов юқори босқичининг биринчи шарти сифатида белгиланди.

Иккинчи шартда эса иштирокчилар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда йиғинда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ташкил этилган «Маслаҳат маркази» ва «Ота-оналар университети» фаолиятини ташкил этиш юзасидан амалга ошираётган ишлар бўйича баҳслашадилар. Учинчи шартда қатнашчиларнинг иш фаолиятига оид ва кундалик ҳаётда учраб турадиган муаммоларга доир саволларга берган жавоблари, дунёқараши ҳамда ҳозиржавоблиги ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади.

